

ЎСМИРЛИК ЁШИ ДАВРИДАГИ СУИЦИДАЛ ХУЛҚ МАСАЛАЛАРИ ЖИХАТЛАРИ

Г.А.Қаршибоева – ЖДПИ, ўқитувчи

Инсон ўзини бошқара олиши учун ақл,
ирода, эмоция каби уч жихатни олиши керак.

Сукрот

Аннотация: В статье рассмотрены проблемы причинности и доказывания суицидального поведения у подростков. Автором сформулированы основные категории, используемые при характеристике подобного поведения. Анализ практики позволял сделать некоторые рекомендации по устранению выявленных проблем при доказывании и по внедрению профилактических мер.

Ключевые слова: суицид, психические расстройства, социальные кризисы, интеллект, демонстрация, страх, вина, структура индивидуальности, агрессия, насилие, наказание, психодинамика.

Abstract: The article deals with the problem of proving causation and suicidal behavior in adolescents. The author sets out the basic categories used in the characterization of such conduct. Analysis of the practice allow us to make some recommendations to address the problems identified in the evidence and to introduce preventive measures.

Key words: suicide, mental health, social crises, intelligence, demonstration, fear, guilt, the structure of individuality, aggression, violence, punishment, psychodynamics.

Бугунги кунда суицидал ахлоқ– ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш ҳақидаги тасавурларга йўналтирилган англанган ҳаракатдир. Кўриб чиқиладиган ахлоқ тузилмасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- шахсий суицидал ҳаракатлар;
- суицидал кўринишлар (фикрлар, мақсадлар, туйғулар, мулоҳазалар, ишоралар).

Суицидал ахлоқ ички ва ташқи планда бир вақтда амалга оширилади.

Суицидал ҳаракат суицидал уриниш ва тугалланган суициддан иборат. Суицидал уриниш–бу ўлим билан тугамайдиган, ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш воситаларининг мақсадга йўналтирилган операциясидир. Уриниш ўзини ёки бошқаларни ҳаётдан маҳрум қилишга йўналтирилган қайтишли ва

кайтарилмайдиган бўлиши мумкин. Тугалланган суицид–летал натижа билан яқунланган ҳаракатдир.

Суицидал ғоялар – бу суицидалликни намоёиш қилишнинг кичик фаол шакли бўлиб, ўз-ўзини ўлдириш тенденцияси режасини ишлаб чиқиш шаклида ўсади: ўз-ўзини ўлдириш усуллари, вақти ва жойи ўйлаб чиқилади. Суицидал ғояга ирода компоненти – қарор, ташқи ахлоққа бевосита ўтишга тайёрлик қўшилгандагина пайдо бўлади.

Суицидал ахлоқ ёш хусусиятларига кўра таҳлил қилинганда, ёш суицидал ахлоқ хусусиятларига аҳамиятли тарзда таъсир кўрсатади. Масалан, ҳаётдаги ёшлик ёки қариликнинг бошланиши каби кризис даври баланд суицидал тайёргарлик билан характерланади.

Бола ёшидаги суицидал ахлоқ вазиятли-шахсий реакция характерини олади, яъни ўлиш истагининг ўзи билан эмас, балки стрессли вазиятлар ёки жазодан қочишга уриниш билан боғлиқ бўлади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, 13 ёшгача бўлган болалардаги суицидал ахлоқ–кам учрайдиган кўриниш ва фақат 14-15 ёшга етгандагина суицидал фаоллик кескин ўсади, 16-19 ёшда энг юқори даражага етади. Олимларнинг олиб борган тадқиқотлар маълумоти бўйича суицидал ахлоқли 770 бола ва ўсмир бола текширилганда, уларнинг энг ёши 7 ёшда бўлиб, уларни кўпчилигини қизлар ташкил этган (80,8 %). Қизларда заҳарланиш, ўғил болаларда эса йўғон томирларни қирқиш ва ўз-ўзини осий ҳолатлари юқори натижани кўрсатган.

Шунингдек, ўсмирда инқирозли вазият ундаги ички дунёнинг ўзгаришларига олиб келади, ундаги “Мен” тизимининг бузилиши, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзига баҳо бериш, нигилизм, чорасизлик, ахлоқий мувозанатсизлик, хушомадгўйлик хусусиятлар кузатилади. Бу ўзгаришлар ўсмирдаги шаклланган ҳаёт шароити тарзида энди яшаш имконияти йўқлиги, шаклланган “Мен”ни сақлаб қолишга интилишда акс этган ўтиш вазиятида ўз-ўзини йўқотиб қўйиш, шаклланган девиант хулқ кўринишлари ўсмирнинг ўзига хос компенсаторлик механизмлари сифатида юзага келади. Бу ҳолат

Ўсмир кечинмалари характерига боғлиқ бўлиб, конструктив бўлмаган кечинмалар таъсирида шаклланган ўсмирнинг “мен”и бир томондан компенсатор-химоя механизми сифатида инқирозли вазиятдан чиқиб кетиш вазифасини ўтаса, иккинчи томондан, ўсмирнинг ижтимоий мослашувига халақит беради. Бу эса ўсмир олдида турган вазифаларни хал этишга тўсқинлик қилади, ўсмирда ўзини, юзага келган вазиятни яхши томонга ўзгариши мумкин эмаслиги ҳақида турғун фикр пайдо бўлади. “Ўз-ўзини” йўқотиш пайдо бўлиши билан ўсмирлар ички дунёсини қайта қуриш, қарама-қаршилиқларини хал этиш йўллариини излаш бошланади, янги “Мен”шаклланиши учун замин изланади.

Коррекцион тадбирлар ўтказилиши натижасида ўсмир шахсида кўйидаги ижобий натижаларга эришиш имконини беради:

- Ўсмир шахси ривожланишига имкон берувчи “ўзини топа олиш” ҳиссини шаклланиши асосида “тикланиш” жараёнига ўтиш;
- Тезкор адаптация, ўсмир шахси учун энг мақбул, бошқаларнинг тажрибасида синовдан ўтган йўлни танлашга ёрдам бериш;
- Ўсмир шахси тизимини қайта қуриш, ундаги юзага келган вазиятни хал қила олмаслик ҳисси юзага келган “мен”ни йўқотиш;
- Вазиятни янгича баҳолаш, вазиятни хал этишнинг янги имкониятларини топиш асосида қайта қуриш;
- Қарама– қаршилиқларни хал этишнинг янги конструктив усулларини топишда ўсмир шахсининг ички имкониятларини фаоллаштириш;
- Янги индивидуал “ Мен” ижодий образини яратиш.

Инқирозли кечинмаларни ўсмир бошидан кечирishi натижасида ҳаёт мазмуни ва мақсадини қайта англаш ва қайта қуриш, ўз ўтмишини янгича баҳолаш, етакчи мотивларнинг бартараф этилиши ёки ўзгаришида намоён бўлади. Турли тоифадаги шикастланиш вазиятлари ўсмирлар учун аҳамият-лилик даражасига кўра турлича таъсир кўрсатади. Бунда ўсмир шахсида шаклланган турғун, аҳамиятли хусусиятлар бузилишига олиб келувчи омиллар шаклланганда химоя механизмлари ишга тушади. Кучли шикастлан-

тирувчи омилларни ҳис этган ўсмир уларни такрорланишидан хавотирланади, бу эса ўз навбатида салбий эмоционал кечинмаларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Натижада ўсмир ўз-ўзини идора эта олмайди, турли хатоларга йўл қўяди. Ундаги хотира, диққат координациясининг бузилиши ўқишдаги ўзлаштириш даражаси пасайиб кетишига сабаб бўлади. Эмоционал зўриқишлар ўсмирларда психосоматик бузилишлар негизида келиб чиқувчи жисмоний соғломлик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Узоқ давом этган стрессли вазиятларда ўзини тинчлантиришнинг сунъий йўллари излаб топиш эҳтиёжини келиб чиқиши натижасида ўсмирлар эрта чекиш, турли токсин моддалар, алкоголь ва наркотик моддаларни истеъмол қилишни бошлайдилар. Шикастлантирувчи вазият таъсирида ўсмирлар ўтмиш, ҳозир, келажакни тўғри идрок эта олмайдилар ва натижада ўсмир ўзини шикастлантирувчи вазиятдан олдинги қандай ҳолатда бўлса, шундай ҳолатда идрок этади. Масалан, шикастлантирувчи вазият 14 ёшда юзага келган бўлса, ўсмир ўзини узоқ вақт мобайнида айнан ўша ёш юзасидан идрок қилади.

Статистик нуқтаи назардан суицидал уриниш содир этган ўсмирлар орасида алкоголь ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилганлар. Ўсмирнинг шикастлантирувчи вазиятлар натижасида шаклланувчи эмоционал кечинмалари, унинг вазиятни ҳал этиш усуллари ҳақидаги иллюзияларини бузилишига олиб келади. Ўсмир ўзидаги имкониятларни етарлича баҳолай олмайди. Мактабда яхши ўқиш ўсмирга ҳимояланганлик ҳиссини бермаса, бу ўсмирнинг эришган натижаларига атрофдагилар бефарқ бўлсалар, мактабдаги ўқиш жараёнида қўлга киритган ютуқлари ўсмир учун қувонч бахш этмайди. Бу ҳолда ўсмир хаёлий иллюзия олаmidан реал ҳақиқий олам қийнчиликларини енгиш учун ўзида ишонч шаклланганлиги асосида олдидаги тўсиқларни енгишга интилади, яъни ёш нуқтаи назаридан каттаришига олиб келади. Агар хаёлот, иллюзия дунёсидан чиқиб кета олмаса, у ҳолда ўсмир руҳиятида янги иллюзиялар пайдо бўлади ва ўсмир яна ўз хаёлот дунёсида яшашни давом эттиради.

Суицидал уриниш содир этган ўсмирларнинг эмоционал соҳаси хусусиятлари диагностикаси натижалари уларнинг мотивацион эҳтиёжий соҳалари ва ҳаётий қадриятлар тизимини тадқиқ этиш натижалари билан солиштириш ва таҳлил қилиш асосида ўсмирларни ўз жонига қасд қилиш ҳолатига олиб келувчи ижтимоий психологик вазиятларни аниқлаш ва олдини олиш учун коррекцион тадбирларни режалаштириш мақсадга мувофиқ ва уни ўтказишда педагог, психолог, ижтимоий хизмат ходимлари ундан унумли фойдаланиши мумкин. Мактаб ва коллежларда ўсмирларнинг инқироз ҳолатларини аниқлаш учун мониторинг ўтказиш улар билан ўтказиладиган бирламчи коррекцион тадбирларни белгилаш уларда суицидал уринишларни олдини олиш йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Ўсмирни ўраб турган яқин ижтимоий муҳит хусусиятлари ўрганилганда, шаҳар жойларда истиқомат қилувчи ўсмирнинг 36,9% ва қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ўсмирнинг 26,6% алкоголь ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган дўстлари, танишлари бўлган. Ўзларини алкоголь моддаларни истеъмол қилганлари тўғрисида ўсмирларнинг 6%и очик айтган бўлсалар, қолганлари бу омилни рад этганлар.

Ўсмирлик даврида ижтимоий функцияларнинг бузилиши кузатилади. Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи суицидент ўсмирларнинг 8%и мактабда, коллежда таълим олувчиларнинг 23 %и, шаҳарда яшовчиларнинг 12 % мактабда, 30 % коллежда дарсларга мунтазам тарзда қатнашмаганлиги аниқланган. Бу эса уларни мактаб, синф жамоаси томонидан тарбиявий таъсир кучини камайиши, жамоа томонидан паст баҳо берилиши, жамоада яқин дўстларини бўлмаслигига олиб келиб, мактаб ва коллеж жамоасининг инқироз ҳолатида яқиндан ёрдам бериш имкониятини пасайтиради, ижтимоий дезадаптация ҳолатини чуқурлашувига олиб келади. Шуниси ажабланарлики, ота-оналар билан бу борада ўтказилган суҳбатда маълум бўлдики, оиладаги моддий аҳволни яхшилаш учун ўсмир пул топиши лозимлиги, ўсмирнинг ўқишга қизиқмаслиги, фарзандининг соғлиги яхши эмаслигини таъкидлаган ҳолда, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси

ходимларига фарзандининг энди ўқишга мунтазам қатнашишини ваъда қилганлар. Фарзандларининг мактаб ёки коллежда ўқиш вақтида нима билан шуғулланишлари, келажак мақсадлари, режалари, мақсадга эришиш йўлидаги сайъи ҳаракатлари ҳақида аниқ бир фикр айта олмадилар. Чунки иш, оила ташвиши, “қуда-анда”, оиланинг бошқа ташвишлари кўплиги, фарзандларининг “ёмон йўлдан” юрмаслигига ишонадилар. Ҳамма ҳолатларда ҳам низоларни бартараф этилишида ўсмир ҳаёти ва саломатлигига хавф солувчи омилларга оила аъзоларининг, қариндошларининг диққат эътиборини қаратиш лозим. Суицидент ўсмирларда ҳаёт кадри ва аҳамияти, мақсади тўғрисида жиддий мулоҳазалар, ўтказилган психокоррекцион тадбирлар жараёнида ижобий ўзгаришлар шаклланишига олиб келади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, суицидал фаолликнинг ҳар қандай белгиси бор ўсмир катталар назоратида бўлиши лозим. Бу назорат меъёردа бўлиши керак. Юксак маданиятли, билимдон, зукко фарзандларгина келажакимиз пойдевори бўла олишини ота-оналар, педагоглар, мураббийлар, психологлар доимо ёдларида сақлашлари, ўзлари эса ҳар томонлама намуна бўлишлари талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Davletshin M.G va boshqalar. Yosh davrlari va pedagogik psixologiya. T-2004 yil.
2. Nishonova Z.T, G.Alimova. Bolalar psixologiyasi va uni o`qitish metodikasi. Toshkent-2003 yil
3. Sherbakov A.I. Yosh psixologiyasi va pedagogika psixologiyadan praktikum. Toshkent, 1991yil.
4. Nishonova Z.T. Psixologik xizmat. Ma`ruzalar matni. T, 2000 yil
2. Ильин Е. П. Дифференциальная [психофизиология](#) мужчины и женщины. - СПб: Питер, 2002.
3. Qarshiboyeva, G.Ozligingni angla. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-52.
4. Каршибаева, Г. А., & Эшмуратов, О. Э. (2018). Факторы суицидального поведения, влияющие на формирование подросткового поведения. Молодой ученый, (49), 235-237.
5. Qarshiboyeva, G.Хаётни севиб яшанг!. Архив научных публикаций jspi, 1-48.
6. Qarshiboyeva, G. Язык и формирование высших психологических функций. Архив Научных Публикаций JSPI.

7. Qarshiboyeva, G. Oilada bolalarni xalq og 'zaki ijodi na'munalari asosida tarbiyalash. Архив Научных Публикаций JSPI.
8. Qarshiboyeva, G. Психологик маслахат. Архив Научных Публикаций JSPI.
9. Qarshiboyeva, G., & Abdurasulov, R. Oquvchi sportchilarning intilish darajasi. Архив Научных Публикаций JSPI.
10. Каршибаева, Г. А. Особенности суицидального поведения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (7), 663-665.
11. Каршибаева, Г. А. Суицидальное поведение-сложное социально-психологическое явление. In Психологические науки: теория и практика (pp. 37-39).
12. Каршибаева, Г. А., N. Абдукадырова, Н. Х. Психологические особенности педагогических конфликтов. In Психология: традиции и инновации (pp. 65-68).
13. Каршибаева, Г. А. Психопрофилактические меры по предотвращению самоубийств у подростков. Молодой ученый, (49), 233-235.
14. Каршибаева, Г. А. Теоретическая основа проблемы психологических особенностей подростков с суицидальным поведением. Молодой ученый, (49), 230-233.
15. Каршибаева, Г. А., Норбекова, Б. Ш., & Туракулов, Л. Т. Суицид-это не просто способ обратить на себя внимание. European journal of education and applied psychology, (2).
16. Каршибаева, Г. А. Самоубийство в ряду других социальных явлений. Молодой ученый, (5), 581-584.
17. Каршибаева, Г. А., Абдукадырова, Н. Х., & Абдукаримова, Э. И. Педагогические конфликты-неизбежные спутники школьной жизни. In Аспекты и тенденции педагогической науки (pp. 115-117).
18. Каршибаева, Г. А. Некоторые факторы преодоления суицидальных действий среди подростков. In Психология: традиции и инновации (pp. 68-71).
19. Karshiboyeva, G. Характеристики мотивационных потребностей подростков с суицидальным поведением. EurasianUnionScientists, 1(10 (79)), 48-49.
20. Karshiboyeva, G. Diagnostics and Preventive Measures against the Suicidal Behavior of Teenagers. YOUNG SCIENTIST USA., 117.
21. Каршибаева, Г. А., & Шарофиддинов, А. (2018). Роль пословиц в воспитании детей. Молодой ученый, (49), 275-277.
22. Каршибоева, Г. А. Современный анализ суицидального поведения (Doctoral dissertation).
23. Каршибаева, Г. А., Б. У. Расулов, Д. Р. Расулова, О. Э. Эшмуратов. Психологическая диагностика личностных и эмоциональных аспектов суицидального поведения подростка : непосредственный // Образование и воспитание. — 2018. — № 2 (17).
24. Qarshiboyeva, G. (2020). Характеристики мотивационных потребностей подростков с суицидальным поведением. Архив Научных Публикаций JSPI.

